



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANITARIYA-EPIDEMIOLOGIK OSOYISHTALIK  
VA JAMOAT SALOMATLIGI XIZMATI BOSHLIG'INING  
BUYRUG'I**

2021 yil. "25" 01

№ 14

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик  
осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тизимида  
тиббий ҳисоб шаклларини юритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6035-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4790-сонли қарори, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида барча даволаш профилактика муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ҳужжат шаклларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 363-сонли буйруги ижросини таъминлаш ҳамда тизимда юритиладиган тиббий ҳисоб шаклларини такомиллаштириш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тизимида юритиладиган тиббий ҳисоб шакллари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг таркибий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлар раҳбарлари - мазкур буйруқ тасдиқланган санадан бошлаб, иловадаги тиббий ҳисоб шакллари юритилишини таъминласин.

3. **Бошлиқ ўринбосари (Қ.Хайитов)** - бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг худудий бошқармалари ва бўлимларида зарур тиббий ҳисоб ҳужжат шакллари билан таъминлаш юзасидан тегишли чораларини кўрсинг.

4. **Бошлиқнинг биринчи ўринбосари (Х.Норбоев), бошлиқ ўринбосари (Н.Атабеков, Б.Қурбонов)** - Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларини тегишли ходимлари учун тиббий ҳисоб шаклларини юритилиши юзасидан семинарлар ўtkaziliшини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ ижроси юзасидан назорат бошлиқнинг биринчи ўринбосари Х.Норбоев зиммасига юклансин.

Бошлиқ

Б.Юсупалиев

Санитария-эпидемиологик осойишталик  
ва жамоат саломатлиги хизмати бошлигининг  
2021 йил 25 январдаги №14–сонли буйруғига  
*1-илюза*

**Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва  
жамоат саломатлиги хизмати тизимида юритиладиган тиббий ҳисоб  
хужжат шакллари**

<b>№</b>	<b>Шакллар номи</b>	<b>№</b>	<b>Формат</b>	<b>Хужжат шакли</b>	<b>Сақлаш муддати</b>
1	Намуналар ва уларни текшириш натижалари берилганинин қайд этиш журнали	1-х/ш	A-4	журнал	1 йил
2	Очиқ сув ҳавзалари ва оқава сувларни текшириш натижаларини қайд этиш журнали	2-х/ш	A-4	журнал	10 йил
3	Очиқ сув ҳавзалари ва оқава сувларни текшириш бўйича -сонли баённома	3-х/ш	A-4	бланк	10 йил
4	Очиқ сув ҳавзалари ва оқава сувларни микробиологик текшириш журнали	4-х/ш	A-4	журнал	5 йил
5	Ичимлик сувини текшириш бўйича ____ -сонли баённома	5-х/ш	A-4	бланк	5 йил
6	Ичимлик суви бўйича микробиологик текширишларни қайд этиш журнали	6-х/ш	A-4	журнал	3 йил
7	Ҳавони текшириш натижаларини қайд этиш журнали	7-х/ш	A-4	журнал	10 йил
8	Аҳоли яшаш жойлари ҳавосини текшириш бўйича ____ -сонли баённома	8-х/ш	A-4	бланк	5 йил
9	Ёпиқ хоналар ҳавосини текшириш бўйича ____ -сонли баённома	9-х/ш	A-4	бланк	10 йил
10	Об-ҳаво омилларини ўлчаш бўйича ____ -сонли баённома	10-х/ш	A-4	бланк	5 йил
11	Ҳавони микробиологик текшириш журнали	11-х/ш	A-4	журнал	3 йил
12	Тупроқ намунасини текшириш натижасини қайд этиш журнали	12-х/ш	A-4	журнал	10 йил
13	Тупроқ намуналарини текшириш бўйича -сонли баённома	13-х/ш	A-4	бланк	5 йил
14	Тупроқни микробиологик текшириш журнали	14-х/ш	A-4	журнал	3 йил
15	Электромагнит майдони кучланишини ўлчашдаги ____ -сонли баённома	15-х/ш	A-4	бланк	1 йил
16	Шовқин ва тебранишни (вибрация) ўлчаш бўйича ____ -сонли баённома	16-х/ш	A-4	бланк	1 йил
17	Ёргулукни ўлчаш бўйича ____ -сонли баённома	17-х/ш	A-4	бланк	1 йил
18	Физик омиллар (шовқин, тебраниш, ЭМ, ММ, ЭММ, ЭСМ, ультрабинафша	18-х/ш	A-4	журнал	5 йил

	нурланиш, ёритилғанлик) ўлчов натижаларини қайд этиш журнали				
19	Радиотехник объектнинг санитария паспорти	19-х/ш	A-4	бланк	РТОда ўзгартириш кирилгунга кадар
20	Тайёр таом ва рационлар калорияси ҳамда кимёвий таркибини текшириш баённомаси	20-х/ш	A-4	бланк	3 йил
21	Тайёр таом ва рационлар калорияси ҳамда кимёвий таркибини текшириш натижаларини қайд этиш журнали	21-х/ш	A-4	журнал	5 йил
22	Озиқ-овқат маҳсулотларидан олинган намуналарни текшириш бўйича _____ -сонли баённома	22-х/ш	A-4	бланк	5 йил
23	Озиқ-овқат маҳсулоти намуналарини текшириш натижаларини қайд этиш журнали	23-х/ш	A-4	журнал	5 йил
24	Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари намуналарида пестицидлар қолдиқ миқдорини текшириш натижаларини ҳисобга олиш журнали	24-х/ш	A-4	журнал	5 йил
25	Озиқ-овқат маҳсулотларини микробиологик текширувларини қайд этиш журнали	25-х/ш	A-4	журнал	3 йил
26	Озиқ-овқат ва косметика маҳсулотларини санитария-бактериологик текшируви бўйича _____ -сонли баённома	26-х/ш	A-4	бланк	3 йил
27	Истемол учун яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулотларини савдога чиқарилишини тақиқлаш қарорларини рўйхатга олиш журнали	27-х/ш	A-4	журнал	10 йил
28	Озиқ-овқат намуналарида спектрометрик ўлчовларни ҳисобга олиш журнали	28-х/ш	A-4	журнал	5 йил
29	Қурилиш намуналарида спектрометрик ўлчовларни ҳисобга олиш журнали	29-х/ш	A-4	журнал	5 йил
30	Радиометрик ўлчовларни ҳисобга олиш журнали	30-х/ш	A-4	журнал	5 йил
31	Дозиметрик ўлчов бўйича _____ -сонли баённома	31-х/ш	A-4	бланк	5 йил
32	Рентген кабинетни фойдаланишга қабул этилганлиги ҳақида далолатнома	32-х/ш	A-4	бланк	5 йил
33	Ўтказилган радиометрик ўлчов буйича _____ -сонли баённома	33-х/ш	A-4	бланк	5 йил
34	Рентген кабинетида рентген нурларидан сақланиш воситаларини текшириш бўйича _____ -сонли баённома	34-х/ш	A-4	бланк	5 йил
35	Дозиметрик ўлчовларни ҳисобга олиш журнали	35-х/ш	A-4	журнал	5 йил

36	Тадбиркорлик субъектларининг санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги бўйича Санитария-эпидемиология осойишталик белгиси	36-х/ш	A-4	бланк	1 йил
37	Полимер ва бошқа материаллардан тайёрланган ашёлардан (идиш, товоқ, ўйинчоқ ва бошқалардан) олинган намуналарни ва текшириш натижаларини рўйхатга олиш журнали	37-х/ш	A-4	журнал	10 йил
38	Полимер ва бошқа ашёлардан тайёрланган материалларни текшириш бўйича _____ - сонли баённома	38-х/ш	A-4	бланк	5 йил
39	Токсикологик текширувларни рўйхатга олиш журнали	39-х/ш	A-4	журнал	5 йил
40	Вирусологик текширувларни қайд этиш журнали	40-х/ш	A-4	журнал	5 йил
41	Санитария-вирусология назоратидаги рўйхатга олиш ва текширув натижаларини қайд этиш журнали	41-х/ш	A-4	журнал	10 йил
42	Дори-дармонлар ва дорихона идишларини микробиологик текширишни қайд этиш журнали	42-х/ш	A-4	журнал	3 йил
43	Консерваларни микробиологик текшириш бўйича иш журнали	43-х/ш	A-4	журнал	3 йил
44	Серологик текширувларни қайд этиш журнали	44-х/ш	A-4	журнал	3 йил
45	Намуналарни санитария-бактериологик текширув баёни	45-х/ш	A-4	бланк	3 йил
46	Бўғма касалларни микробиологик текшириш журнали	46-х/ш	A-4	журнал	3 йил
47	Кўк йўтал касаллигини микробиологик текшириш журнали	47-х/ш	A-4	журнал	3 йил
48	Менингококкларни микробиологик текшириш журнали	48-х/ш	A-4	журнал	3 йил
49	Патоген стафилакокк ташувчанликка текширув журнали	49-х/ш	A-4	журнал	3 йил
50	Хирургик материалларни стерилликка текширув журнали	50-х/ш	A-4	журнал	5 йил
51	Қонни стерилликка текширишни қайд қилиш журнали	51-х/ш	A-4	журнал	3 йил
52	Ташқи муҳит анжомларидан олинган суртма намуналарини текшириш баёни	52-х/ш	A-4	бланк	5 йил
53	Суртмаларда ўтказилган микробиологик текширишларни қайдлов журнали	53-х/ш	A-4	журнал	3 йил
54	Қон сўрувчи бўғимоёқлиларнинг имаго ва личинкалари билан курашиш ишларини ҳисобга олиш журнали	54-х/ш	A-4	журнал	5 йил
55	Энтомофауна ва каналар устидан асосий фенологик кузатувларни ҳисобга олиш журнали	55-х/ш	A-4	журнал	5 йил

56	Энтомофауна ва каналар асосий вакилларининг мавсумий сон ўзгаришларини хисобга олиш журнали	56-х/ш	A-4	журнал	5 йил
57	Жамлама билдиришнома (бўғимоёқлилар гуруҳи) мавсумий тур таркиби	57-х/ш	A-4	бланк	10 йил
58	Санитария- гельминтологик текширишларни рўйхатга олиш журнали	58-х/ш	A-4	журнал	5 йил
59	Безгак ва канали қайталама тиф касалликлари бўйича мусбат қон препаратларини назорат текшируванини қайд этиш журнали	59-х/ш	A-4	журнал	доимий
60	Безгак ва канали қайталама тиф касаллигига манфий қон препаратларини назорат текшируванини қайд этиш журнали	60-х/ш	A-4	журнал	5 йил
61	Безгак ва канали қайталама тиф касалликларига текширувларни рўйхатга олиш журнали	61-х/ш	A-4	журнал	5 йил
62	Ташки муҳит анжомларидан санитар- гельминтологик суртмалар олиш _____ -сонли ДАЛОЛАТНОМА	62-х/ш	A-4	бланк	5 йил
63	Аҳоли пунктларини экстенсив текшириш натижасида аниқланган бўғимоёқлиларнинг имаго сонини хисобга олиш журнали	63-х/ш	A-4	журнал	5 йил
64	Дезинфекцияловчи камера ишини назорат қилиш далолатномаси	64-х/ш	A-4	бланк	5 йил
65	Якунловчи дезинфекция ўтказиш учун №-наряд	65-х/ш	A-4	бланк	1 йил
66	Нарад бўйича ўтказилган дезинфекция ҳақида маълумотнома	66-х/ш	A-4	бланк	1 йил
67	_____ сонли дезинфекцияловчи камерага кузатувчи (хамроҳ) хат	67-х/ш	A-4	бланк	1 йил
68	Касаллик ўчогида жорий дезинфекция ўтказилганлигини назорат қилиш картаси	68-х/ш	A-4	бланк	1 йил
69	Дезинфекция воситаларини текшириш -сонли баённома	69-х/ш	A-4	бланк	5 йил
70	Дезинфекция сифатини лаборатория усулида назорат қилишни рўйхатга олиш журнали	70-х/ш	A-4	журнал	3 йил
71	Дезинсекция ўтказиш учун № наряд	71-х/ш	A-4	бланк	10 йил
72	Дезинфекцияловчи моддаларни бактериоцид хусусиятларини тўқимали тест объектларда тажриба қилиш натижаларини қайд қилиш журнали	72-х/ш	A-4	журнал	2 йил